*Биз ва жаҳон*

# ЮРТИМИЗГА ЭЪТИБОР КАТТА ЭКАНЛИГИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИМ

***Яқинда Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида педиатрларнинг Халқаро XXI конгресси бўлиб ўтди. Бу нуфузли анжуманда ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар ҳам иштирок этишди. Мазкур конгресс қатнашчиси, республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий тадқиқот институти директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Орхон Маҳмудов сафар таассуротлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.***

— Халқаро обрўга эга бўлган мазкур анжуманда жаҳоннинг деярли барча мамлакатларидан вакиллар иштирок этишди.

Ўзбекистондан 9 киши қатнашдик. Улар педиатрия фанининг турли йўналишларида фаолият кўрсатиб, илмий изланишлар олиб борадилар. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўзбекистонликларга ўзгача ҳурмат ва эътибор ҳар қадамда сезилиб турди. Бу мамлакатимиз ҳукумати олиб бораётган одилона ички ва ташқи сиёсатга ҳайрихоҳлик, давлатимизнинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётганлигининг яққол белгиси, албатта.

Анжуман дастурига болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг ташкилий масалаларидан тортиб, педиатриянинг барча соҳалари киритилган эди. Қатнашчилар ўндан ортиқ секцияларга бўлиниб ишладилар. Уларда педиатриянинг ижтимоий масалалари, болалар овқатланиши, болалар гастроэнтероногияси, неврологияси, гепатологияси, эндикринологияси, кардиологияси, ревтологияси, паразитологияси ва юқумли касалликлар ҳамда уларга қарши иммунизация масалалари, ирсий касалликлар ва бошқа кўплаб муҳим муаммолар бўйича атрофлича фикр алмашилди. Бизнинг олимларимиз болалар ўртасидаги юқумли касалликлар, уларнинг олдини олиш, даволаш, сурункали гепатит, гастроэнтерология муаммолари, иммунопрофилактика ишларини ташкил қилишга янгича ёндошиш, танани сувсизланишга олиб келувчи касалликларни даволаш тўғрисида маърузалар қилдилар. Бизнинг илмий маърузаларимиз ижобий баҳоланди.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай халқаро илмий анжуманларда қатнашиш Ўзбекистон тиббиёт фани тараққиётини жаҳонга таништириш борасида катта самара беради. АҚШ, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар олимлари Ўзбекистон давлатининг илм-фан вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлиб, улар билан турли соҳаларда илмий алоқа боғладилар. Биз эса ўз навбатида, жаҳоннинг йирик олимлари томонидан болалар ўртасида учрайдиган кўпгина касалликларнинг олдини олиш, аниқлаш, даволаш ва соғлигини қайта тиклаш муаммоларини ижобий ҳал қилиш масалаларидан хабардор бўлдик. Булар албатта, республикамизда болаларни даволаш — профилактика муассасалари иш тажрибасига аста-секин кириб боради. Биз даволаш-профилактика муассасаларимизнинг моддий-техника асосларини яхшилаб, илғор тажрибаларни амалиётга жорий қилишга имконият яратишимиз керак. Бу ишлар яқин йиллар ичида рўёбга чиқишига ишончим комил.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**А. НОСИРОВА**
**ёзиб олди.**

# СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН КИТОБЛАР

Республика Фанлар академияси Самарқанд бўлими олимлари буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига муносиб туҳфа тайёрламоқда.

Улар ҳозирдаёқ ўн битта илмий асарни ёзиб тугатдилар. Амир Темур даври маънавияти ва меъморчилигига бағишланган китоблар, айниқса, диққатга сазовордир.

(ЎзА).

# МАСЪУЛ КОТИБ ҒОЛИБ БЎЛДИ

«Бухарские известия» (Бухоро янгиликлари) вилоят газетаси «Клио Компани» Москва фирмаси билан ҳамкорликда «Ҳуқуқий давлатни барпо этиш» мавзусида танлов ўтказди.

Унда иштирок этганларнинг мақолалари рўзномада ёритиб борилди. Улар орасида Ўзбекистонда янги ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади ва вазифалари муаммоларига бағишланган мақола ҳамда шарҳлар, турмушнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳар хил хабар ва суҳбатлар бор эди.

«Бухарские известия»нинг масъул котиби Абрам Исҳоқов танлов ғолиби бўлди. Бош мукофот — видеомагнитофон унга топширилди. Танлов ташкилотчилари ҳар йили шу мавзуда танлов ўтказишга қарор қилишди.

*Нуқтаи назар*




***XX аср интиҳосида инсон ақлини лол қолдирувчи ғайритабиий воқеа-ҳодисалар қаторида яна бир мўъжиза: мистика ва мистицизмга қизиқиш тобора кучайиб бораяпти.***

Мистицизм деганда, биз инсон ҳаёт фаолиятининг нафақат тўрт ўлчамли вақт билан бирга зоҳирий дунё доирасида, балки айни вақтда бутун олам руҳий-ботиний тизими босқичларида ҳам кечишини тушунамиз. Бу инсоннинг ўз руҳий моҳиятининг абадийлиги, унинг дунёлар ва асрлар ичра тадрижий такомилига қатъий ишонч-эътиқоди билан боғлиқ ўзига хос таълимотдир.

Кўз билан кўриб, зоҳиран пайқашимиз мумкин бўлган моддий дунёмиздан ташқари шундай ботиний кучлар борки, бизнинг улар билан мулоқот ва мусобақамиз хусусий (шахсий) йўсинга эга ва бу кучлар чинданам мавжудлигини расмий фанларнинг дунёга таниқли баъзи бир олимларининг уринишларини истисно этганда, тажриба йўли билан далиллаш мумкин эмас.

Замонавий мистицизм жами йўналишларида аввалдан ишлаб чиқилган ва аниқ мақсадларга қаратилган дастур тушунчасини киритди ва бу дастур тадрижий ривожланиш қонунларига бўйсиниб, дунёнинг ҳамма йўналишларида ўзини намоён қила бошлади. Бир вақтлар диний-мистик соҳалар доирасига кирган илмий нужум, магия (афсун), мантика, кўзбахшилик, телекинез, парапсихология, башоратчилик ва ҳоказолар илмий тадқиқот жабҳасига ўтди.

Фикримча, «ғайритабиий» ҳодисаларнинг одамларда (болаларда ҳам) тобора кўпроқ намоён бўлаётганига атавизм (насл орқали такрорланиш, суяк суриши), ибтидоий ўтмиш мероси эмас, балки инсоннинг табиий тадрижи сабабдир, десам, кўпчиликнинг кўнглидаги гапни айтган бўламан. Бу тадрижга сўнгги юз йилликда фан ва техника ривожи омил яратди. Чунки бу тараққиёт инсонни бўш вақт билан таъминлаб, шахс сифатида камол топишига имкон берди ва оқибатда у ранглар, товушлар, тимсолларни янада аниқроқ ва латифроқ илғайдиган бўлди. Йирик шаҳарларнинг қувват-ахбор майдонлари ҳам инсон биоқуввати ривожига жиддий кўмак бермоқдаки, бир сўз билан айтганда, инсон тадрижи сермаҳсул «иккинчи табиат»дан узлуксиз озуқа ола бошлади.

Бу ерда одамзот янги парапсихологик қобилиятлар орттираркан, маънавий маънода сезиларли камол топмаётир-ку, деган эътирозли фикр туғилиши мумкин. Лекин инсон маънавияти унинг физик хусусиятларига нисбатан у яшаб турган жамият, тузумга кўпроқ боғлиқ. Ўз-ўзидан яна шундай савол туғилади: замонавий илмий билим (фан), ҳиссий билим (мистика) ва иррационал билим (дин) ҳар қандай шахснинг маънавиятига таъсир кўрсатишга умуман қодирми ўзи?

Замонавий фан бу масалани ҳал қилинган, деб ҳисоблайди: илмга ташналик ибтидоданоқ одамзот ирсиятига жо қилинган ва гўё бунинг илоҳиётга ҳеч қандай дахли йўқ. Ибтидоий одам ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқиши билан дунёни ўрганишга киришган. Шунинг учун уни «Билгувчи Инсон» деб атамоқ жоиздир. Инсон илм-фан кўмагида моддий дунёни ўзлаштира бориб, эндиликда у латиф, ёндош ва бошқа оламларни ҳам тадқиқ этишга киришди, яъни у ўз салоҳияти ва тафаккури қаноатида Коинот миқёсларига кўтарилди. Фан бизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизга кўп афзалликлар ва қулайликлар бергани ҳолда энг муҳим масала бўлмиш, яъни: «Инсон нима ўзи, у дунёга нега келади-ю, энди нималарнидир англаб ета бошлаганида, ёруғ оламдан нечун кўз юмади, нима учун энди у беқиёс, ҳад-ҳудудсиз Коинот тизимида ҳеч қандай мутлақ қадриятларга эга бўлмай, тасодифларга тўла ҳаётнинг оддий ўйинчогига айланиб қолаверади?» — деган саволларга ҳали-ҳануз жавоб тополмаётир.

Инсон инсонлигини англаган дақиқалардан буён ўзига ўзи ушбу саволларни бериб келган. Лекин нима учун фан унга ҳозиргача жавоб тополмаган? Аввало шунинг учунки, фан бизда позитив (тажрибага, далилларга асосланган) эди ва у ҳамма вақт инсон жисмини ўрганган ва шунинг ўзинигина инсон, деб бизни ишонтиришга уринган. У сайёраларда ҳаёт пайдо бўлишини тадқиқ этиб, Ерда ҳаёт «тасодифан» юзага келган, дея хулоса қилган, чунки бунинг учун тегишли шарт-шароитлар бўлиши керак, бундай шарт-шароитлар эса ғоят камдан-кам ҳоллардагина юзага чиқади. Шу боис фан: инсон — ўткинчи ҳодиса бўлибгина қолмай, унинг ўзи ҳам тасодифийдир ва ҳеч қандай фазовий вазифа миссиясига ,эга эмас, унинг билишга интилиши эса, мия толалари тизимининг муайян хусусиятидир, дея хулоса ясайди.

Ҳозирги замон одамининг онги, айтиш мумкинки, буткул рамзийдир. Гарчанд бу рамзийликни узоқ ўтмиш шоирлари, кейинроқ эса рассомлар кашф этган бўлсалар-да, рамзий фикрлашга асосан фан тараққиёти сабабчидир. Кўҳна маданиятлар маънавий меросига эътиборни айни шундай фикрлаш тарзи жалб этди-ку, ахир! Ўтмиш асарларининг ғаройиб тимсолларида табиий ва руҳий дунёларнинг муайян ҳодисалари акс этиши кашф қилинди.

Ўйлашимизча, бундай рамзийлик мистик туйғуларимиз учун ҳам истисно эмас. Соддароқ қилиб айтганда, мистик тасаввурларимиз негизида муайян ҳақиқатлар ўз тажассумини топган. Инсон улар билан кўзга кўринмас ришталар орқали чамбарчас боғланган ва айни шу нарса унинг (жисмидан ташқари) моҳиятини белгилайди.

Динлар тарихи — маълум маънода узоқ ўтмишдан то шу кунларгача ўзгаришсиз қолаётган мана шундай рамзий тилсимлар калитини излаб топишдан иборатдир. Даврлар ўтиши билан бу тилсимларнинг мазмун-моҳияти эмас, балки уларнинг талқини, тимсолий ва ижодий тажассуми ўзгариб келган. Шунинг учун ҳам ижод, ҳатто илмий ижод доимо мистик хусусият касб этади. Унинг негизида шахсий мистик тажриба — «самовот уйғунлиги», «ойна орти дунёси» ва «ёндош оламлар»га ботиний саёҳат ва улар билан пинҳоний мулоқотлар ётадики, булар фан имкониятлари доирасидан ташқаридаги «сирли» воқеа-ҳодисалар ва кучлар ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради.

Чамаси, дин — инсоннинг физик жисмида уйғонувчи руҳий моҳиятни англаш воситаси сифатида ана шу тариқа майдонга чиққан.

Фан эса ўз ибтидосиданоқ моддий дунёни тадқиқ этишга йўналтирилган бўлиб, асрлар мобайнида диний қарашларни инкор қилишга уринади, айни вақтда унинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган маънавий-ахлоқий пастулот (исботсиз қабул қилиш мумкин бўлган қоида, фараз)ларини ҳам йўққа чиқариб, уларнинг ўрнини боса олувчи ҳеч нима беролмайди. Мустабид тузумлар даврида узоқ йиллар ҳукмронлик қилган моддиюнчилик таълимоти даҳрийлик, худосизлик (атеизм)нигина эмас, балки нигилизм (ҳар қандай тамойил ва қонуниятларни инкор қилиш)ни ҳам юзага чиқарди. Оқибатда ақл-идрокли одамлар, хусусан, адиблар ва файласуфлар яна ўша: «Нега дунёга келдим? Нима учун яшаяпман? Нечун изтироб чекишим керак?» — қабилидаги мангу саволларни ўртага ташладилар. Инсон бундай саволларни ўзига ўзи азал-азалдан бериб келган. Бу мураккаб масалаларга моддиюнчилик таълимоти ойдинлик киритолмагани боис башарият томонидан яратилган аксарият моддий ва маънавий қадриятлар шубҳа остига олинди. Мустабид тузум даврида одамларнинг бирдан-бир руҳий таянчи ва юпанчи бўлмиш масжидлар ва черковлар тўпдан ўққа тутилиб, бузиб ташланди, мистика ва илоҳиётга жиндек дахлдор китоблар ва ноёб қўлёзмалар ёндирилди, ҳур фикр эгалари таъқиб ва тазйиқ қилинди. Коммунистик мафкуранинг қудратли тарғибот воситалари хуружи остида одамлар қарийб ёппасига даҳрийликка юз бурдилар.

Инсонни тадқиқ этарканмиз, биз унинг руҳиятининг теран тажассумини ифодаловчи шахсиятинигина эмас, балки ана шу шахсият яшайдиган «уй» — жисминигина ўрганаётганимизни яқин-яқинлардагина пайқаб қолдик. Ваҳоланки, эндиликда унинг ички «мен»и — руҳият дунёси ўз онгини тана ўлгандан кейин ҳам сақлаб қолиши, унинг ўзга жисмоний тана ёки қобиқларга ўтиб яшай олиши ва ўзининг аввалги эврилишларига доир муфассал хотираларни асрай билиш қобилияти ҳақида кўплаб залворли далиллар тўпланган.

Мистик тажрибани амалда тасдиқлаш мумкин эмас ёки жуда қийин, аммо жами буюк динлар ана шу асосга қурилган ва афтидан, фандаги ҳамма буюк кашфиётлар ҳам ана шу негизда бунёд этилган.

Энг замонавий компьютер ва электрон-ҳисоблаш машиналари ҳам, агар инсон уни тегишли дастур билан таъминламаса, ҳеч қандай янги якуний натижаларни қўлга киритолмайди. Инсон эса одатда ўз кашфиётларини миқдорий эмас, балки ўта ҳиссий сезги савиясида яратади. Бунда изланган натижа унинг онгида чақмоқдай бирданига, якунланган ҳолда намоён бўлади. Бундай ижодий жараён ёзувчи-шоирлар, бастакорлар, рассомлар ва умуман санъаткорларга ҳам тўла таалluқли ва бу соҳа расмий фан томонидан қарийб тадқиқ этилмаган. Хўш, бу қандай жараён ўзи? У қандай кечади?

Гап шундаки, академик В. И. Вернадскийнинг таърифича, Ер юзини ҳаво қатлами, биоқобиқ, стратосфералардан ташқари «ноосфера» деб аталмиш қатлам ҳам ўраб олганки, у Ердаги тирик мавжудотни юзага келтирган ва моҳияти бизга қоронғи бўлган аллақандай «кси-майдон»дан ташкил топган. Олимларнинг тахминича, айни шу ва шунга ўхшаган қувват-ахбор майдонлари ва куч чизиқлари Коинотдан одамлар, хусусан, медиум воситачи ва руҳий мулоқотчиларга турфа-туман ахбор ва башоратлар етказиб туради. Ўта иқтидорли олимлар, адиблар ва санъаткорлар ҳам «илҳом» келган паллаларда айни шу майдонлар билан боғланиб қолишлари эҳтимолдан холи эмас.

Шунинг учун ҳам башариятнинг асотир ва ривоятларга сингиб кетган, расм-русумларда тажассумини топган мистик тажрибаси учинчи минг йиллик арафасида ўзига ниҳоятда жиддий ёндошишни тақозо этади.

Инсоннинг руҳий моҳияти — уни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи бирдан-бир илоҳий хилқатдир. Айни шу хилқат унинг онг даражасини белгилаб, одамзотнинг бу ҳудудсиз дунёга тасодифан «ташриф» буюрмаганини билдиради. Айни шу хилқат инсонни тажриба, синов, хатолик ва тўсиқларни енгиш орқали эзгулик ва ёвузликнинг моҳиятини ҳамда дунё тизимида ўзининг фаол бунёдкор кучлардан бири эканини англаб етишига омил яратади, охир-оқибат, унинг маънавий камолотини таъминлайди. Бундай комил инсонлар эса, Яратувчининг ҳамроҳи, ҳамкори, диний тилда айтганда, «дўсти»га айланади. Ўтмишда яшаб ўтган улуғ мутасаввифлар, валийлар ана шундай сиймолар эмасмиди, ахир! Бахтимизга, бундай зотлар бармоқ билан санарли бўлса-да, бизнинг давримизда ҳам йўқ эмас. Улар ҳар жабҳада, — ўзларига берилган илоҳий иқтидорлари боис, — халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг нурафшон истиқболи йўлида жонларини жабборга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Мистиклар нуқтаи назаридан, инсон жисмида эврилувчи руҳий моҳият асло «тасодиф ўйинчоғи» эмас. Ҳар бир руҳ моддий танада яшаркан, дунё ҳақида билимлар орттирибгина қолмай, эзгу ва зарурий йўналишларда унга таъсир кўрсатишга ҳам даъват этилган. Муайян билим ва тажриба орттирган руҳий моҳият «умри тугаган» танани тарк этаркан, уларни яхлит ибтидоий «хотира» (шахсий ёхуд умумий ахбор банки — ноосфера) тармоғига қўшади, чунки Мутлақ Руҳ фақат шу тарзда, воситачи, яъни руҳий моҳият ёрдамида иш юритади. Орттирилган билим ва тажрибалар асосидаги тадриж, янги, юксакроқ даражада фаолият юритиш учун эврилиш ва сайёра миқёсидаги ишни давом эттириш мақсадидаги реинкарнация (руҳнинг бир танадан иккинчисига кўчиб ўтиши) — руҳий моҳиятнинг навбатдаги олға босган қадамидир. Агар жисмоний тана жуда эрта вафот этса ёки унинг фаоллиги бунёдкорликка эмас, бузғунчиликка йўналтирилган бўлса, руҳий моҳият ўз фаолиятини янгитдан бошлашга мажбурдир (эҳтимол, у ибтидода ўйланган режа асосида ўзини қайта қуриши учун тадриж босқичларининг янада қуйироқ поғоналарига ўтишига тўғри келар).

Мистик космологиянинг бу таҳлитдаги лойиҳаси фаннинг асосий йўналишларига асло зид эмас. Унинг негизида вақт бўйича тадрижий тараққиёт, руҳнинг ички имкониятларининг очилиши ва оддийликдан мураккаблик сари юксалиб бориш жараёнлари ётади.

Модомики башарият ўзига дунёларнинг олий тафаккур эгалари билан биргаликда Коинот миқёсидаги муқаддас вазифаларни адо этишга чорланган экан, улар ички дунёларининг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, яъни Ердаги жами мавжудотларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва тинчлик-осойишталик билан боғлиқ илоҳий бурч бирдан-бир эзгулик йўли бўлиб қолади. Илло, бу масалада дунёдаги барча буюк динларнинг нуқтаи назари бир хилдир. Ва аксинча, одамларни бир-бирларидан ажратувчи, уларнинг руҳий уйғунлиги ва яратувчилигига путур етказувчи, маданий қадриятларни инқирозга юзтубан этувчи омиллар мутлоқ ёвузликка айланади.

Одамзотнинг беҳуда яшамаётгани, унинг юлдузларга, ижодий ҳамкорлик ва бунёдкорликка интилиш руҳий моҳиятининг тадрижий камол топишини таъминлаши, бугунги меҳнатлари ва ўз яқинларига билиб-билмай туҳфа этган яхшиликлари ва эзгу ҳиссиётларининг меваси келгусида ўзига янги туҳфа, янги куч ва имкониятлар бўлиб қайтиши ҳақидаги таълимотнинг ўзи ҳам эзгулик ҳисобланади.

**Ҳожиакбар ШАЙХОВ,**
**«Сирли олам» ойномасининг бош муҳаррири, ёзувчи.**


## ТАШКИЛОТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

*1.* Офис учун мебеллар:
***кабинет гарнитурлари;***
***1-2 тумбали столлар;***
***қабулхона столлари.***
*2. 6СТ-90* аккумуляторлар.
*3. 486 DX2-80* компьютерлар.
*Улар 1050 +* принтерга эга бўлиб, *"WINDOWS-95"* дастури билан таъминланган.
*4. "Canon"-300, 330, NP-1215* ксерокслари.
*5.* Телефон аппаратлари.
*6. "Citizen"* калкуляторлар.
*7.* Биллур маҳсулотлари ***(қандиллар ва вазалар).***
*8. 4-5 мм.лик* пахта тўқиш симлари.
*9.* Пахта учун бандажлар.
*10.* Кенг турдаги канцелярия маҳсулотлари.
*11.* Эронда ишлаб чиқарилган одеяллар.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**72-98-17, 79-47-74.**

**Манзилимиз:**
***Тошкент шаҳри,***
***Халқлар дўстлиги кўчаси, 100,***
*Собир Раҳимов метросидан чиқилганда, 12 қаватли бинонинг, 9-қавати.*


*Меҳр-оқибатни асрайлик*

# БИР ҚОРИНДАН ТУШГАН... БЕГОНАЛАР

***Тўрт йилдан бери ака-сингил Алихўжаев Ўткир билан Алихўжаева Мағзуманинг бир-бирини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Бир қориндан тушган жигарлар бугун бир дастурхон атрофида ўтиришни ўзларига ор билишади.***

Энг ёмони, улар бир-бири ҳақида шундай «чиройли» гаплар гапиришадики, эшитган одамнинг сира ақли бовар қилмайди. Қариндош-уруғлар ҳам иккига бўлиниб олишган. Яхшиямки, 77 ёшли Муҳаббат аянинг қулоғи оғир. Бўлар-бўлмас гапларни эшитавермайди. Акс ҳолда фарзандлари ўртасидаги бемаъни можаролардан...

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Хизматчи кўчасида жойлашган, бугун ари уясидек тўзғиб ётган 89-хонадонда бир пайтлар Раҳматулла ота яшарди. У биринчи хотинидан фарзанд кўрмагач, Муҳаббат аяга уйланади. 17—18 сотих келадиган ҳовлини уч қисмга бўлиб, бир қисмини ўзининг номига, қолган икки қисмини эса биринчи хотини билан асраб олган қизи (Хошимова Қумри)нинг номига (1956 йили) қонуний равишда расмийлаштиради. Иккинчи фарзанди — Мағзумани ҳам биринчи хотинининг тарбиясига беради. Уч оила бир ҳовлида аҳил-иноқ яшашади. Бу тинч-тотувлик отанинг вафотидан кейин ҳам давом этган. Вақт-соати битиб, биринчи хотини ҳам вафот этгану, у боқиб катта қилган қиз — Мағзума 1992 йил январида ҳовлининг унга тегишли қисмини қонун бўйича ўзининг номига ўтказиб олган. Йил охирига келиб, аниқроғи, 18 ноябрда Қумри Ҳошимова турмушга чиқиб, бола-чақали бўлиб кетгани боис ҳовлининг ўзига тегишли бўлган, лекин ҳеч ким яшамаётганлиги учун бўш турган бўлагини Мағзумага ҳадя қилиб беради, ҳамма бало ана шундан бошланади. Шу туфайли тўрт йилдан бери ака-сингил бир-бирига душман, судма-суд югуриб юришибди.

Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур тумани судларида 4—5 марта суд бўлиб ўтди. Ҳали аканинг, ҳали сингилнинг фойдасига ажрим чиқарилди. Бу орада Қумри ая мен ўзимга қарашли ерни Мағзумага асло совға қилганим йўқ, у менинг саводсизлигимдан фойдаланиб, қандайдир бир қоғозга қўл қўйдириб олган, дея судга ариза берди. Иш яна қайтадан кўрилиб, 1994 йил 29 июнда аканинг фойдасига ҳал бўлган эди, сингил дод-вой билан яна аризабозликка тушди. Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов коллегияси Шайхонтоҳур туман суди томонидан аканинг фойдасига чиқарилган ажрим ҳақидаги қарорни рад этди. Ҳозир ака-сингил бирбирига қарши қоғозлар тўплаб, ариза ёзиб, югуриб юришибди. Айтишларича, яқин кунларда яна суд бўлармиш. Ҳуллас, яна неча марта суд бўлиб, ким фойда кўради, ким зарар, олдиндан бир нарса дейиш қийин. Биз бу жараёнларга аралашмоқчи эмасмиз. Қонуний тарзда ҳалоллик билан адолатли ҳукм чиқариш ҳуқуқ органлари эътиборига ҳавола. Биз масаланинг маънавий томони — туғишганлар амал қилмаётган одамгарчилик ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ўткир аканинг аризаси билан илк бор танишганимда, ака-сингилнинг алоҳида-алоҳида турар-жойи бўлиб, улар бўш турган жой учун талашаётганини тасаввур ҳам қилолмадим. Нотўғри хаёл қилдиммми, деб шикоятни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Уларнинг уйларига бордим, ўзлари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари билан суҳбатлашдим. Ҳар қайсиси ўзича ҳақ, ўзгани тингламайди.

Ўткир ака ақлини танибдики, меҳнатни билади. Ювош, камгап вазмин одам. Трамвай депосида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Рўзғори ҳам юпунгина. Бир ўзи ишлаб топган маоши эвазига ўн жонни боқади. Унга алам қилган жойи шундаки, синглиси ҳе йўқ, бе йўқ, ҳовлининг уч қисмини ҳам қандайдир йўллар билан ўзига ўтказиб олганмиш. Уйнинг ҳужжатларини ҳам бермаётган экан: «Қизларимни ишга киритиш, набираларимни пропискадан ўтказиш керак, «домовой» Мағзумада. Битта ўзи-ю, битта ўғлига етарли ҳовли-жойи, «дом» и бўлса, яна нима керак унга, билмадим. Инсофга келай демайди, ҳаммамиздан юз ўгирган. Биз-ку майли-я, онамда нима гуноҳ? Ўз туққан онасини билмаса, хабар олмаса. Жанжал-тўполонлар жонимга тегиб кетди. Кўча-кўйда бош кўтариб юришга ҳам уялиб қолдим» — дейди у киши.

Мағзуманинг далиллари ҳам кўп: «Мени отамнинг биринчи хотини Бўри онам чақалоқлигимдан боққан. Ўз онам, ҳатто, никоҳ тўйимда ҳам қатнашмаган. Тошкент тўқимачилик институтини битирганимдан сўнг «Малика» трикотаж корхонасида 19 йил ишлаб чиқариш цехи бошлиғи бўлиб ишладим. Ака-ука, опа-сингилларимга қўлимдан келганча ёрдамлашдим. Бундан 13 йил аввал Бўри онам ўлди-ю, азобда қолдим, мени чиқиштиришмасдан, турткилай бошлашди. Устимдан иғво-хатлар ёзишди. Шундан сўнг 1991 йилнинг 16 сентябрида Бўри онамга мерос уй-жойни ўз номимга расмийлаштириш учун туман судига ариза бердим. Талабим қондирилди. 1992 йили Қумри Ҳошимова ҳам ўз улушини менга совға қилди-ю, қолдим балога. Кейин эса Мағзума мени алдаб, совға қилиш ҳақидаги қарорга қўл қўйдириб олган деб гап тарқатибди, судга қайтадан ариза берибди. Шулар сабаб икки ўртада эримдан ажрадим, иккинчи гуруҳ ногиронимaн. Келиним ҳам шуларнинг дастидан ота-онасиникига кетиб қолди. Ҳовлининг ҳаммасини ўзига ўтказиб олган, «домовой» ва бошқа ҳужжатлар ҳам Мағзумада деб сизни алдашибди. Ҳаммаси ўзларида. Қумрига тегишли ерни тенг бўлиб олайлик десам, унашмаяпти. Энди мен ҳам чекинмайман».

Бор гап шу. Ёруғ дунёдан насибамиз узилган куни, бойлик, мол-дунё, хазина ортимизда қолади. Инсондан яхши ном қолсин. Инсоф билан айтганда, Мағзуманинг ўрнида бўлганимда акани сингилдан жудо қилаётган ўша бир парча ерни жўжабирдай жон Ўткир акага топширардим...

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
***Парламент 33-57-34;***
***Хатлар 33-07-48;***
***Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;***
***Иқтисодиёт 36-36-65;***
***Маънавият 36-35-60;***
***Ахборот 36-29-89;***
***Тунги муҳарририят 33-10-28.***

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир— К. Рихсиев.
Навбатчи — Ш. Мутаҳҳархон ўғли.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 020. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.30.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

1 2 3 4 5 6